

# Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила ўли

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi [www.qishloqhayoti.uz](http://www.qishloqhayoti.uz) 2012-YIL 27-SENTABR, PAYSHANBA, 113 (8038) - SON 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahoi kelishilgan narxda.

## Куннинг муҳим воқеалари

► Самарқанд шаҳридаги "SOS Болалар маҳалласи"-да "Болалар ва оилаларнинг фаровонлиги ҳамда турмуш шароитини яхшилаш" лойиҳасини амалга ошириш бошланиши муносабати билан расмий очилиш маросими ўтказилди. Ўзбекистон "SOS Болалар маҳаллалари" уюшмасининг Германия иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлиги (BMZ) ҳамда Герман Гмайнер жамғармаси (SOS-Kinderdorf Weltweit) томонидан молиялаштирилаётган мазкур лойиҳа ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фаровонлигини ошириш ва болаларга васийлик қилиш ишларини яхшилаш, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб ўсиши учун зарур шарт-шароит яратилишига қаратилган.

► Бухоро шаҳридаги Ёшлар марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўқув семинари ташкил этилди. Унда туман ва шаҳарлардан 100 нафардан зиёд бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди.

► Андижон вилояти Қўрғонтепа туманининг Савай қишлоғида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иктисослашган корхона ишга туширилди. "Ягона ҳамкор нури" масъулияти чекланган жамияти томонидан қишлоқ марказидаги икки қаватли бино реконструкция қилиниб, ишлаб чиқариш корхонасига айлантирилди. Натичада 70 нафардан зиёд хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Айна пайтда корхонада аёллар, эркеклар ва болалар кийимлари тайёрланмоқда.

## 1 ОКТАБРЬ – ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ



Мулломжон Қодиров (ЎзА) олган сурат.

Дарсларни илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ноанъанавий усулларда олиб бориш ўқувчиларнинг фанга қизиқишини оширади. Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси Назира

Сирожиддинова ўз ишига шу нуқтаи назардан ёндашади.

Назира Сирожиддинова дарсларини қизиқарли ва самарали ўтиш учун пухта тайёргарлик кўради. Дарс жараёнида кўرғазмали воситалар, зарур ўқув жиҳоз-

лари ва адабиётлардан фойдаланиб, ўқувчилар билимини янада мустаҳкамлаш учун тарихий саналар, воқеаларга оид қизиқарли савол-жавоблар ташкил қилади. Илганувчан муаллима ҳар бир ўқувчи билан алоҳида иш олиб боришни йўлга қўйган.

## САҲИФАЛАРДА:



СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

3

### ИЧАНҚАЛЪДАН БОШЛАНГАН САЁХАТ



4



АХБОРОТ ВА ...МУАММОЛАР МАКОНИ

5

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР, ХИЗМАТЛАР, ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «КЎРГАЗМА САВДО МАРКАЗИ» МАЖМУИДА АНЪАНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲАФТАЛИГИ ДОИРАСИДА «ИСТЕХРО-2012» АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МИЛЛИЙ КЎРГАЗМАСИ БОШЛАНДИ

Тадбирда Ўзбекистон агентлиги бош директори Ҳ.Мирзохидов замонавий ахборот технологияларини самарали қўллаш жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омилларидан эканини таъкидлади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу борада улкан ютуқларга эришилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов томонидан асосий принциплари белгилаб берилган ахборотлаштиришни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати мамлакатимизнинг жаҳон ахборот маконига интеграциялашувига бевосита хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ушбу жараёнда муҳим дастуриламал бўлаётди.

«ИСТЕХРО-2012» Тошкент, Навоий ва Термиз шаҳарларида ўтказилмоқда. Кўргазманинг бир пайтада учта шаҳарда ўтказилаётгани ахборот технологияларини ҳаётимизнинг барча бажаларига жорий этилиш даражаси ҳудудларимизда ҳам изчил ортиб бораётганидан далolatдир. Бу ерга ташриф буюрадиганлар учун ташкил этилган веб-трансляция реал вақт режимида бир йўла учала кўргазма экспонатлари билан танишиш имконини бермоқда.

«ИСТЕХРО» Марказий Осиё минтақасида муҳим ва нуфузли кўргазма майдонлардан бирига айланди. 150 дан зиёд иштирокчи компания учта шаҳарда ахборот технологиялари соҳасидаги барча ангилликларини намойиш этмоқда. Бу ахборот ва коммуникация ангилликлари соҳаси мутахассислари учун фойдали тадбирлар. Кўргазмада мамлакатимиз компанияларидан ташқари, Хитой, Германия, Жанубий Корея, Россия, Словения сингари давлатлар вакиллари ҳам қатнашмоқда. Улар мобил тармоқлардан кенг поласали фойдаланиш хизматлари, ра-



Сарвар Уришова (УЗА) олган сурат.

қамли телевидение технологиялари, теледидео соҳасида оид лойиҳалар ва бошқа кўплаб янгилликларни тақдир этмоқда.

Кўргазмада Ўзбекистон ахборот технологиялари соҳасининг етакчи корхоналари, шунингдек, софтверлар (дастурий таъминот) ишлаб чиқарувчи ИТ-компаниялар, продакшнлар, телекоммуникация ускуналарини тақдир берувчилар, вазирликлар, идоралар, банк ва бошқа муассасалар вакиллари ўзининг қизиқарли стеллари ҳамда бўлимларини ташкил этган.

Айниқса, мамлакатимиз телекоммуникация бозорининг етакчиси ҳисобланган «Uzbektelecom» акциядорлик компанияси павильони кўчликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Компания замонавий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда овозли алоқа, маълумотлар ва телерадиозиттириш дастурларини узатиш хизматлари, видео-конференц-алоқа, интернетдан фойдаланиш каби кўплаб хизмат турларини тақдир этмоқда. CDMA-450 стандартига асосланган мобил алоқани

жорий этиш ишлари давом этмоқда. Маҳаллий телекоммуникация тармоғида 2 миллион рақамни ўз ичига олган икки мингдан зиёд АТС мавжуд. Уларнинг деярли барчаси рақамли АТСлардир. Компаниянинг транспорт тармоғи кўп даражали бошқарув, тармоқнинг ўзини ўзи текшириш ва қайта тиклашни таъминлайдиган янги SDH тармоқ технологияларидан фойдаланган ҳолда, оптик-толали ва радиорелели алоқа линиялари негизда ташкил этилган.

«Newmax Technologies» масъулияти чекланган жамияти намойиш этаётган хизматлар харидорлар эътиборини ўзига кенг жалб этмоқда. Бу корхона иқтисодий фаолиятда замонавий АКТдан амалда фойдаланиш борасида намуна бўлмоқда. «Newmax Technologies» транспорт воситаларининг реал вақт режимидаги GPS-мониторинг хизматларини тақдир этаётди. «Maxtrack» тизими электрон харитада транспорт воситаси қаерда эканлигини кузатиш, ёқилги сарфлаш қурilmалари ҳолатини назорат қилиш, автомобиллар йўналишларини тақдир

этиш, унинг қанча юргани ҳақида маълумот олиш имконини беради. Шунингдек, транспортдан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланиш, уни эксплуатация қилиш қоидалари, шартлари ҳамда бошқа назорат маълумотлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Мазкур тизимни қўллаш автотарқатдан фойдаланиш харажатларини камайтириш, ҳайдовчилар ишини тартибга солиш, логистика тизимини оптималлаштириш имконини беради. Яъни, диспетчер истаган пайтада автомобиль харакатланаётган жойни аниқлаш мумкин.

Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси – телекоммуникация ускуналари тизимларини етказиб берувчи йirik корхоналардан. У Ўзбекистон бозорига бир неча йилдан буён муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Компаниянинг «Huawei Tech Investment Tashkent» шўъба корхонаси директори Ван Ифань Ўзбекистонда ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётганини юқори баҳолади. Мазкур компания соҳа корхо-

на ва ташкилотларига кенг турдаги симсиз тармоқлар ускуналари, коммутаторлар, маршрутизаторлар, оптик қурilmалар, терминаллар, кенг поласали мобил технологиялар, мультимедиа видеокузатув тизимлари, телекоммуникация тизимларини электр билан таъминлаш мосламалари, серверлар ва маълумотларни сақлаш тизимлари, мобил телефонлар, смартфонлар, планшет компьютерларни тақдир этмоқда. Мамлакатимиздаги «Ucell», «Beeline», «UzMobile» каби етакчи мобил операторлар билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйган ушбу компания уларга турли махсуслотлар етказиб бермоқда.

Кўргазма дастури кенг ва ранг-баранг бўлиб, ундан кўплаб ўқув семинарлари, давра суҳбатлари, маҳорат сабоқлари, тақдиротлар, шунингдек, кўнгилочар тадбирлар ўрин олган. Соҳа мутахассислари Ўзбекистонда интернет-провайдингни ривожлантириш масалалари бўйича ўтказган давра суҳбатига мамлакатимизда жаҳон ахборот тармоғини янада ривожлантириш масалалари атрофида муҳокама этилди.

Бундан ташқари, олий ўқув юртли, коллеж ва лицейлар жамоалари ўртасида «ICT-STUDENTS» компьютер спорти универсиадасини ўтказиш режалаштирилган. Кўргазма ниҳоятда ташкилий кўмита томонидан стелд ва бўлимлари энг яхши деб топилган голиблар мукофотланади.

Муҳтасар айтганда, намойиш этилаётган кўргазма кенг жамоатчиликка Ўзбекистонда ахборот жамиятини шакллантириш борасида эришилган муваффақиятлар билан танишиш имконини беради. Шубҳасиз, «ИСТЕХРО-2012» мамлакатимиз ахборот технологиялари бозорини янада ривожлантириш, мазкур соҳада халқаро ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш ва мустаҳкам амалий алоқаларни йўлга қўйишга хизмат қилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

Тошкент Вилояти

ИМКОНИЯТ

## БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ СУЗИШ ҲАВЗАСИ

**Д**авлатимиз раҳбари раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлиги ёш авлодни ҳар томонлама соғлом камол топтиришда муҳим омила бўлмоқда. Халқаро спорт майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир ёш спортчиларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Мустақиллик байрами арафасида Янгийўл шаҳридаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қошида болалар учун янги сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилганлиги кўплаб ёш спортчиларни қувонтирди.

— Бугунги кунда спорт мактабимизда 280 нафардан ортиқ ўсмирлар спортининг энгил атлетика, футбол, баскетбол, каратэ ва бошқа спорт турлари билан шугулланмоқда, — дейди Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Нигора Турсунова. — Болалар сузиш ҳавзасининг фойдаланишга топширилиши муносабати билан яна 60 нафар ёшлар жамоамизга келиб қўшилди. Улар сузиш бўйича тажрибали мураббийлар ёрдамида ўз маҳоратларини ошириб боришлари учун барча қулайликлар яратилган.

**СУРАТДА:** «Jabo klassik» масъулияти чекланган жамияти қуришиш бригадаси бошлиғи М.Абдуллаев ёш спортчилар билан.

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.



Фаргона Вилояти

# СИФАТЛИ ВА ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТЛАР

**Кўқон шаҳридаги "Индорама Кўқон текстиль" Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган сифатли ип-калава маҳсулотлари Германия, Испания, Бельгия, Франция, Туркия, Аргентина, Бразилия, Бангладеш каби давлатларга экспорт қилинмоқда.**

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан анъанавий равишда ўтказиб келинаётган нуфузли халқаро пахта саноати форуми мамлакатимизда етиштирилган пахта толасини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва истеъмолчиларга тўғридан-тўғри етказиб бериш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этаётди. Бунда юртимизда фаолият кўрсатаётган пахта тани қайта ишловчи корхоналарнинг ҳам алоҳида ҳиссаси бор.

Лойиҳа қиймати 55 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган "Индорама Кўқон текстиль" қўшма корхонасида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, замонавий технологияларни жалб этиш ҳисобига пахта толасидан халқаро стандартларга мос, сифатли йиғирилган ип ишлаб чиқарилмоқда. Корхонага хорижий компанияларнинг юқори унумли, замонавий тўқув дастгоҳлари ўрнатилгани бу ерда йилга 7 минг тонна маҳсулот тайёрлаш

имконини бермоқда.

– Ўзбек пахта толасига бугун жаҳонда талаб тобора кучаймоқда, – дейди қўшма корхона бош директори Депақ Рена. – Анъанавий халқаро пахта ярмаркаларининг ташкил этилиши, унда турли давлатларнинг вакиллари иштирок этаётгани бунинг тасдиғидир. Ўзбек пахтасининг сифати, толасининг микронейр кўрсаткичлари жуда юқори. Шу боис ҳам маҳсулотларимиз йилдан-йилга харидорғир бўлиб бормоқда.

Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 17 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулот сотилди. Корхона жамоаси ўз олдига ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш орқали дунё тўқимачиларининг эътиборини қозониш мақсадини кўйган. Бунинг учун корхонага 20 миллион доллар миқдорда инвестиция жалб этилади. Бу қўшимча даромад олиш ва янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жаҳон бозоридан кенг ўрин олишига хиз-



Мат қилади.

Корхонада ишловчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Улар илгор технологияларни жуда тез ўзлаштираётгани туфайли катта муваффа-

қиятларга эришмоқда.

Айни кунларда мазкур қўшма корхонада кунига 19-20 тонна калава-ип ишлаб чиқарилмоқда. Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бундай

корхоналарнинг янги ҳамкорлар топишига ва иқтисодий самарадорликни оширишига хизмат қилади.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**  
ЎЗА мухбири.

Жиззах Вилояти

# САНЪАТКОРЛАР ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

**"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси ташаббуси билан Жиззах вилояти пахтакорларига маданий хизмат кўрсатиш учун Тошкентдан бир гуруҳ санъаткорлар таклиф этилди.**

Санъаткорлар, энг аввало, Мирзачўл туманидаги Абай номли сув истеъмолчилари уюшмаси пахтазорларида бўлишди. Улар аввало "мададга келдик" дегандек, далада теримга тушиб кетишди.


Меҳмонлар "оқ олтин"ни тезу соз ва сифатли теришар, атаклари тезда тўлиб борарди. Буни кўриб "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси матбуот котиби Фотимахон Махсимова қаердандир тарози топиб келиб, ўрнатди.

– Пахта меҳри ва пахтакорларга бўлган ҳурмат-эътибор қонимизга сингиб кетгани белгиси бу, – деди Фотимахон. – Қаранг, санъаткорларнинг пахта теришини. Уни алоҳида ўлчаб, алоҳида топширмоқчимиз...

Кечки соат ўн саккизлар атрофида меҳмонлар терган пахталарини топшириб бўлишди. Сергайрат санъаткорлар – Зоҳидхон Умарова 54 килограмм, Фарҳод Сармонов ва Икром Шариповлар 50 килограммдан ошиб, бошқалар эса 40-45 килограмм атрофида пахта теришибди. Шундай қилиб, 12 нафар санъаткор ёшларнинг "Апшерон" фермер хўжалиги пахтазоридан ярим кунда терган ҳосили 530 килограммни ташкил этади. Буни қарангки, ўша кунги фермер Р.Пашаев қабул масканлари билан тузган шартномавий режани уддалади.

– Меҳмонларнинг қадами қутлуг келди, – дейди у.

Оқшомада пахтакорлар Мирзачўл агроиқтисодиёт коллежи ҳовлисида тўпланишди. Бу ерга йиғилганлар энди Зоҳидхон Умаровани илгор теримчи сифатида



"Ўзтрансгаз" АК матбуот котиби Фотима Махсимова, бўлим бошлиғи Худойберди Саломов ва "Мирзачўл тумангаз" таъминот идораси бошлиғи Омон Мадамовлар санъаткорлар билан ҳамкорликдан хурсанд.

эмас, муҳир санъаткор сифатида олқишлай бошлади. Унинг "Юрт қадри", "Инсон малоҳати", "Улуғ Ватаним", "Садолардан сўрарман" каби кўшиқлари дилларга ором, кўнгилларга ҳузур ва илҳом бахш этди. Томошабинлар кўшиқларга жўр бўлишди. Сўнг саҳнага чиққан ёш санъаткорлар Фарҳод Сармонов, Икром Шарипов ва бошқалар ҳам пахтакорлар учун махсус кўшиқ ва дастурлар тайёрлаб келишганди. Бу ижрочилар кўшиқлари Шайхонтоҳур тумани маданият ва спорт бўлими

қошидаги "Фарзон" гуруҳи санъаткорларининг Ватан, ватанпарварлик, меҳнат, сеvgи ва одамийлик ҳақидаги кўшиқларига уланди. "Улфатлар" лойиҳаси санъаткорлари ўзларининг ичакузди хангома, латифалари билан бадиий кечага ўзгача фойз киритдилар. Тадбир давомида компания жамоасининг илгор теримчиларга аталган юздан зиёд қимматбахо эсдалик соғвалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Келдиёр ЖҲРАҚУЛОВ,**  
«Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм Вилояти

Пахтакорларимиз йил давомида қилган меҳнати самараси – мўл пахта ҳосилини кузнинг ёгин-сочинли кунларига қолдирмасдан йиғиштириб олишдек муҳим масъум давом этмоқда. Пахта эл бўлиғи. Иқтисодиётимизни, тараққиётимизни юксалтирувчи манба. Ҳосилнинг мақбул муддатда йиғиштирилиб олиниши, энг аввало, унинг сифатини таъминлайди. Сифатли хомашё эса Ўзбекистон пахта толаси шуҳратини янада оширади.

# МАҲАЛЛАНИНГ ФАОЛ АЁЛЛАРИ

пахтакорларга мададкор бўлишмоқда

Ана шундай омилларни ҳисобга олиб, маҳаллаимиз фаол хотин-қизлари йиғим-терим давомида пахтакорларга мададкор бўламиз, дея кенгашдик. Маҳаллаимиз фуқаролар йиғини раисаси Шарофат Хусаинова ташкилотчилигида Норжон Раҳимова, Луиза Саидназарова, Наргиза Матмуродова, Халима Йўлдошева, Саодатжон Раҳимова, Олмахон Тангриберганова, Мурссар Хўжаниёзова, Зулайхо Қаландарова сингари фаол аёллар бу борада бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Айни кунларда маҳаллаимиз худудига туташ Оқёп қишлоғидаги "Жуманазар Оллоназар ўғли" фермер хўжалиги аъзоларига кўмак бераётимиз. Фермер хўжалигининг Анамой Олламова, Нилуфар Солаева каби пешқадам теримчиларидан ўрнат оляғимиз. Терим жараёнида бизга барча шарт-шароитлар яратилган. Туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамоат фонди туман бўлими, Оқёп қишлоғи фуқаролар йиғини томонидан илгорлар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилмоқда. Бу эса терим суръати ва сифатини оширишга замин яратмоқда. Бугун-эрта фермер хўжалиги аъзолари шартномавий режани бажарадилар.

Дарвоқе, ушбу фермер хўжалигининг 50 гектар пахтазори бор. Хўжалик пахтакорлари ҳар гектар ердан 30 центнердан 130 тонналик хирмон бунёд этишни мақсад қилишган. Меҳнати натижаси яққол намоён бўлиб турибди. Далаларда ҳосил чўғи баянда. Ҳосил ёгин-сочинли, кунларга қолмасдан тўла-тўқис териб олинганча пахтакорларга мададкор бўламиз.

**МУССАР БОБОЖОНОВА,**  
Хива шаҳридаги Калтаминор маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Хоразм Вилояти

▼ БУГУН – ХАЛҚАРО САЙЁХЛИК КУНИ

# ИЧАНҚАЛЪАДАН БОШЛАНГАН САЙЁХАТ

## эко-турга уланиб кетади

**И**стиқлолнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда туризмни ривожлантириш борасида катта имкониятлар яратилди.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, халқимизнинг меҳмондўстлиги туфайли ҳозирда республикамизга хорижлик сайёҳларнинг қизиқиши кун сайин ортиб бормоқда. Бугунги кунда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантиришга долзарб вазифалардан бири сифатида қаралмоқда.

2012-2014 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини ошириш юзасидан шу йилнинг май ойида Давлат дастури қабул қилинган бўлиб, унга туризм инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадбирлар киритилган.

Ўзбекистон Республикаси «Туризм тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ «Ўзбектуризм» миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлими томонидан бу борада катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, соҳани ривожлантириш борасида берилган имконият ва имтиёзлар туфайли соҳада йилдан-йилга хизмат кўрсатувчи тармоқлар кўпаймоқда. Бугунги кунда вилоят бўйича 27 та меҳмонхона ва 8 та сайёҳлик фирмаси фаолият кўрсатаётир. Жорий йилнинг 8 ойи якунига кўра, воҳамизга 78 хориж давлатидан 25 минг нафарга яқин сайёҳ ташриф буюрган. Сайёҳларнинг кўпчилиги Франция, Германия, Италия, Испания, Япония ва Англия давлатларидан.


Бугунги кунда туризм соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири — тур операторлик фаолияти билан шуғулланувчи сайёҳлик ташкилотларини кўпайтиришдир, — дейди «Ўзбектуризм» миллий компанияси Хоразм минтақавий бўлими бошқарувчиси ўринбосари Алишер Хасанов. — Вилоятга тўғридан-тўғри хорижий сайёҳларни олиб келиш билан шуғулланувчи ташкилотларни кўпайтирсак ва барча имкониятларни яратсак, уларнинг сони то-

бора ошиб бораверади. Жаҳон туризми бозорига кириш ва етакчи сайёҳлик компаниялар билан рақобатлашиш осон эмас. Бу вилоят туризмнинг ўзига хос жиҳатларини излаб топиш, йирик сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик қилиш, бой тарихий маданий меросимизни, воҳа ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кенг тарғиб қилиш, чет элларда бўлаётган сайёҳлик ярмаркаларида муваффақиятли қатнашиб, вилоят туризмни реклама қилишни йўлга қўйиш каби вазифаларни талаб қилади.

Соҳанинг долзарб вазифаларидан яна бири — малакали мутахассисларни кўпайтиришдир. Шу мақсадда Урганч давлат университети иқтисод бўлимида мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Илгари вилоятга келган сайёҳлар Хива шаҳридаги «Ичанқалъа» музей-қўриқхонасидаги тарихий обидаларни томоша қилиш билан кифояланар эди. Эндликда сайёҳлар йўл дастурига «Олаулик» қалъасига бориш ҳам киритилди.

Келгусида Амударё ўзанида экотуризм зоналарини ташкил қилиш, сувда махсус қайиқларда сайр қилиш, чўмилиш, балиқ овлаш, табиат кўйида хордиқ чиқариш, намунали ўзбек хонадони, ишлаб чиқариш корхонаси, фермер хўжалиги, ўқув муассасаларига экскурсиялар ўтказиш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилмоқда. Хулоса қилиб айтганда, соҳадаги ишлар замон талаблари даражасига кўтарилаётир.

Холмурод ҚУРБОНОВ,  
«Qishloq hayoti» мухбири.



## САЙЁХЛАР САФИ ИККИ БАРОБАР ОШДИ

Истиқлол шарофати билан музейлар фаолиятини яхшилашга оид қабул қилинаётган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар тарихий обидаларни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш, шу билан бирга, сайёҳлик хизмати сифати ва самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Ичанқалъа ва Дишанқалъадаги мавжуд 130 дан ортиқ ёдгорлик, 17 музей, кўплаб кўргазмалар сайёҳларни мафтун этмоқда. Утган йили музей-қўриқхонамизга 700 нафардан зиёди хорижий сайёҳ (шундан 43500 нафардан зиёди хорижий сайёҳ) томоша учун келган бўлса, бу йил уларнинг сони икки бараварга кўпайган. Ҳозирда Хивага ташриф буюрган сайёҳларга йигирмага яқин меҳмонхона, 250 дан ошқ савдо расталари, йигирма-

дан зиёд овқатлашиш шохобчалари хизмат кўрсатмоқда. Уларни экотуризм йўналиши бўйича табиат кучоғида — сахро ва қўлларда, боғларда бўлиши учун ҳам имконият яратилган. Музей-қўриқхонасининг ахборот маркази махсус сайти орқали Хиванинг ўтмиши ва бугуни билан танишиш мумкин.

Максудбек АБДУРАСУЛОВ,  
«Ичанқалъа» музей-қўриқхонаси  
ахборот маркази раҳбари.



Навоий Вилояти

▼ МАҲАЛЛА: БУГУН ВА ЭРТАГА

## АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини оширишда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг алоҳида ўрни бор. Бу борада айниқса, эҳтиёжманд фуқароларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатиш, жойлардаги ободонлаштириш тадбирларида фонд кенг қўламли ишларини амалга ошириб келмоқда.

Хусусан, Фонднинг Кармана тумани бўлими ҳам бу борада қатор эзгу ишларни бажариб келяпти. Жумладан, фонд маҳаллалардаги кам таъминланганлар, боқувчисини йўқотганлар ва ногиронларга ҳомийлик қилиб, 10 мил-

лион сўмдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. 45 нафар эҳтиёжманд оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

Шунингдек, кам таъминланган фуқаролар — Хўжа Ҳисрав МФИдан Мус-

лима Нормуродова, Азамат МФИдан Шохиста Тўйбеева, Гурда МФИдан Абдумалик Нормуродовларнинг оилаларига қорамоллар олиб берилди. Хончарбоғ маҳалласида яшовчи Мирҳоди Ашраббова ногиронлик аравачаси, 10 нафар фуқарога кийим-бошлар совға қилинди.

Айни пайтда фонд томонидан фуқароларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича ҳам турли ўқув-семинарлар ўтказилмоқда.

Бундан ташқари, ободонлаштириш ва болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тумандаги 34 километрик ички йўллар таъмири ҳамда Т.Фафуров номли ва Фарҳод МФИлари худудидидаги болалар майдончалари реконструкцияси бўйича ҳам ишлар олиб борилмоқда. Қолаверса, фонд томонидан болалар спортини ривожлантириш учун 33 миллион сўм маблағ сарфланди.

С. БАҲРОНОВА

# АХБОРОТ ВА МУАММОЛАР МАКОНИ

**Одамзод ёзув ихтиро қилинганидан беш минг йил ўтиб, саноат асосида китоб босишни ўрганди. Яна беш юз йил ўтиб телефон, радио ва телевидениега эга бўлди. XX аср сўнгига келиб эса бугунги давримизнинг ахборот макони — интернетга асос солинди. Аини пайтда у инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, инсоният ҳаёти ва тақдирини у ёки бу томонга буриб юборишга қодир қудратли воситага айланди.**

Дарҳақиқат, бугун дунёда бўлаётган оламшумул ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, илм-фандаги инсон ақлини лол қолдирадиган янгиликлару ихтиролар — буларнинг барчаси асосан интернет орқали маълум бўлмоқда. Интернет тармоғида яратилаётган бундай имкониятлар унга бўлган талабнинг тобора ошиб боришига замин яратяпти. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунё миқёсида аини пайтда 1 миллиард 250 миллион нафардан ортиқ киши интернетдан муайян даражада фойдаланиб, on-line тизимига бўлган қизиқиш бундан кейин ҳам оммавий равишда ортиб бораётган экан. Биргина энг оммавий қидирув тизимларидан бири "Google" сайтида аини пайтда 40 миллиард саҳифага яқин ахборот сақланмоқда. Агар ушбу ахборот қозғога босилса, 273 километр баландликдаги тоғ тизмаси ҳосил бўлади. Ушбу далилнинг ўзича инсон тафаккури, фантехника ривожига билан боғлиқ бўлган оламшумул ўзгаришлар динамикасини кўрсатади.


Айтиш жоизки, сўнгги пайтларга келиб интернетнинг ўзига хос ижобий томонлари билан бирга бир қатор салбий жиҳатлари ҳам кўзга ташлана бошлади. Жумладан, эзгулик номидан иш кўраётган турли ижтимоий сайтларнинг ёшлар онгини заҳарлаш мақсадида бўхтон ахборотларни тарқатиши авж олиб кетди. Энг ачинарлиси эса, кўпчилик кишилар ушбу ёлгон, уйдирма ахборотларга ишониб, одамлар орасига уруш ва низо, даҳшат ва ёвузлик тарқатаётган сайтлар қомига тушиб қолмоқда.

Президентимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асаридан шундай жумлалар бор: **"Ҳаёт ҳақиқати шунини кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башариёт тарихини, унинг тафаккури ривожини тадрихий равишда кўздан кечирадиган**

**бўлсақ, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу гоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли гоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз".**

Дарҳақиқат, эзгулик ва ёвузлик ҳар доим ёнма-ён юрган. Тарихга назар ташладиган бўлсақ, авваллари бу икки тушунча асл ҳолида номовён бўлганига гувоҳ бўламиз. Бироқ кишилик тараққиётининг кейинги босқичларида ёвузлик шаклу шамоийлини ўзгартириб, "замонавий"лик ниқоби остида эзгулик номидан иш кўра бошлади. Таассуфлар бўлсинки, бу жараён интернет саҳифаларига ҳам кўчиб, кишиларга қайсидир жиҳатдан ўзининг таъсирини кўрсатмоқда.

Хусусан, ахборот оламидаги турли янгиликлар билан ниқобланган ахборот-психологик технологиялардан глобал тармоқ орқали мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуроли сифатида ҳар хил сиёсий кучлар ва марказлар



томонидан манфаатли фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида эса, минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигига, шунингдек, ахлоқий-маиший қадриятларга жиддий таҳдидлар вужудга келмоқда. Айниқса, ахборот ва мафкура соҳасидаги курашлар кун сайин шиддатли тус ола-

ётган ҳозирги даврда экстремистик характердаги секта ва турли хил уюшмалар сайтларида турли бузғунчи гояларнинг тарқатилаётганини ҳам дунё халқлари ўртасида айрим масалалар, хусусан, миллий, диний тарбия, урф-одатлар борасида нотўғри қарашларнинг шаклланишига сабаб бўляпти.

Қайд этиш керакки, ҳозирги кунда интернет сайтлари сони қарийб 270 миллиондан ортган. Шунга мувофиқ равишда ахборот ўлчамлари ҳажми ҳам вақт ўтган сари катталашмоқда. Ҳозирда ахборот мегабайт ва гигабайтда эмас, балки янги терминларда терра ва петабайтларда ўлчанмоқда. Бироқ бундай имкониятлардан барча ҳам тўғри фойдаланяпти, деб бўлмайди. Айниқса, ёшларнинг мазкур тармоқдан "кен" фойдаланиши кишини ўйга толдиради. Гап шундаки, ижтимоий, кишини ўзига жалб этадиган сайтлар исталган мавзуда суҳбат юритиб, ўзларини ёшларнинг "маслаҳатчи"лари сифатида кўрсатиб, уларни ўзларининг таъсир домига тортоқдалар. Қолаверса, интернетдаги турли ваҳшийлик ва зўравонликдан иборат ўйинлар, шарму ҳаё каби тушунчаларни инкор этадиган таъсирларнинг намоиши этилиши ҳам

ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Ёш ўғил-қизларнинг компьютердан, бинобарин, интернетдан фойдаланишни билиши яхши, албатта. Чунончи, бугунги тезкор давр ҳар бир кишидан, шу жумладан, ёш авлоддан замонавий технологияларни мукамал билишни тақозо этади.

Албатта, бу фикрларимиз билан интернетдан фойдаланишни бутунлай қоралаш ниятидан йироқмиз. Фақат глобал тармоқнинг айрим глобал муаммолари ҳақида тўхталишни лозим топдик. Давлатимиз раҳбари бундан бир неча йил муқаддам, 9 май — Хотира ва қадрлаш кўни арафасида журналистлар билан ўтказган суҳбат-мулоқотида интернетнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уни катта бир дўконга қийёслаган ва **"Бу дўконга кирган одам ўзига керакли молни харид қилади. Лекин гап мана шу дўкондан нимани олишда"** деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Шундай экан, ўзимиз, аини пайтда фарзандларимиз ана шу "катта дўкон"нинг "моллини" харид қилишида эътиборли бўлайлик.

Ҳасан МҮМИНОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

## «UZ» МИЛЛИЙ ДОМЕНИ ИНТЕРНЕТ-ФЕСТИВАЛИ

**Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «UZ» миллий домени интернет-фестивали ғолибларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.**



Танловда фестиваль давомида фаолият кўрсатган ва "UZ" доменида рўйхатга олинган сайтлар иштирок этди. Фестивалнинг танлов дастури 10 та мавзуга оид ва 3 та махсус номинацияни ўз ичига олди. Бу йилги танлов дастурига ҳар бир мавзуга оид 10 номинация иштирокчилари учун WWW.UZ миллий излаш тизимининг махсус мукофотлари ҳам киритилди. Ушбу махсус номинацияда маълум вақт ичида ҳар номинация иштирокчилари орасида энг кўп балл тўплаган 10 та сайт ғолиб деб топилди. 2012 йилги фестивалнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, унда янги "Оила учун энг яхши сайт" махсус номинацияси ҳам жорий этилди.

Танловга жами 1000 та ариза келиб тушди, унда 543 сайт иштирок этди, уларнинг 65 фоизи илк бор қатнашди. Финалга чиққан 103 сайт фестиваль дипломи ва мукофотлари билан тақдирланди.

**МАВЗУГА ДОИР МАЪЛУМОТ:**

бугун мамлакатимизда интернетдан фойдаланувчилар сони 8 МИЛЛИОН кишидан ошди.

## ЭНГ КАТТА... ЭНГ УЗУН... ЭНГ КИЧИК...



### ЭНГ КАТТА ОГИЗ

Анголалик Франциско Домингонинг оғзи дунёдаги энг катта оғиз дея қайд этилиб, 2010 йилда Генниснинг рекордлар китобига киритилди. Унинг узунлиги 17 см. келади. Унинг оғзи шунақча кенгайдик, унга консерва идишлари ҳам бемалол сиғиб кетаверади.

### ЭНГ КАТТА КОФЕ ЧАШКАСИ

Лас Вегасда яшовчи Бай Касинонинг чашкаси Генниснинг рекордлар китобига киритилди. Дунёдаги энг катта чашка деб топилган ушбу идишга 7600 литр қахва сиғади. У бир кунда бир чашка кофе ичадиган одамларнинг 4200 нафарининг чанқорини боса олади.



### ЭНГ УЗУН ТИРНОК

АҚШлик Лии Редмон 1979 йилдан буюн тирноқларини ўстиради. Уларнинг узунлиги ўртача 7,51 сантиметр келади. Биргина чап қўлининг бош бармоқ тирноғи 80 сантиметрдан ошқ.

### ЭНГ УЗУН МУШУК

Дунёдаги энг узун мушукнинг ёши бешда. У Буюк Британияда яшайди. Стои номли бу мушукнинг бошидан думигача бўлган узунлиги 123,2 сантиметр келади. Унинг момик юнлари кулранг. Бу келишган мушук Генниснинг рекордлар китобига киритилган.



### ЭНГ КИЧИК ИТ

Дунёдаги энг кичик итнинг бўйи 10,15 миллиметр бўлиб, оғирлиги 680 грамм келади. Ном Чихуахуа Бу Бу. У бир қарашда мўйнали денгиз чўчкасини эслатади. Пахмоқ юнлари уни жуда чиroyли кўрсатади.

Интернет материаллари асосида Саида РАҲМОНБЕРДИЕВА тайёрлади.



Барча турдаги қурилиш ташкилотлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ 7-СОИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ КЎЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТҚАЗИЛИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«Жиззах вилояти Зомин шаҳарчасидаги «Ём» канални реконструкция қилиш» Обьектнинг бошланғич қиймати: КҚСсиз 593,046 млн. сўм, ҚҚС билан 711,655 млн. сўм.

Ишларни тугаллаш муддати: 2013 йил 30 сентябргача.

Ишларни молиялаштириш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи манзили: Жиззах шаҳри Бешқувур кўчаси, 56-уй.

Телефон/факс: (8-372) 226-05-84.

Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича бошқа тенг шартларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилди.

Танлов савдосида иштирок этадиган пудратчи ташкилотлар кўйидаги шартларга жавоб бериши керак: танлов савдоси объектининг бошланғич қийматидан камид

20% айланма маблағларига ёки бундай маблағлар билан таъминлаш бўйича банк кафиллигига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўқшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдосида маҳаллий ва хорижий пудратчи ташкилотлар иштирок этаятганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолаш жараёнида маҳаллий пудратчилар учун кўйидаги нарх преференциялари кўзда тутилган: баҳолашда қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажариш ва хизмат кўрсатувчи чет эл офертларнинг таклифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.

Танлов савдосида қатнашиш

ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўрвнома билан танлов савдоси ташкилотчиси – Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига кўйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 63-уй (вилоят кенгашлар уйи биноси), 425-хона. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 100 минг сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни тақдим этишнинг охириги муддати – оферталар очилиш кун ва соатига.

Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин кўйидаги манзилда ўтказилади:

Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилоят ҳокимлиги биноси), мажлислар зали.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИ «ЯҒНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ, АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АДДИЯ БОШҚАРМАСИ ВА 2-СОНИМ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯЛАРИ КЎЙИДАГИ ИНШОТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Буюртмачи: Андижон аэропорти ДУК; (Андижон шаҳри Янги айланма кўчаси 1 уй. Тел: 224-27-44, 224-48-64)

1. Андижон аэропорти ҳудудида жойлашган аэровокзал биносини қаттиқ ва юмшоқ қопламали том қисмини капитал таъмирлаш;

Обьектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 153 228 010 сўм;

Обьектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 127 690 010 сўм;

Ишларни тугаллаш муддати — 90 кун

2. Андижон аэропорти ҳудудида жойлашган 2 та вертикал дренаж қудуқларини капитал таъмирлаш;

Обьектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 208 032 360 сўм;

Обьектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 173 360 300 сўм;

Ишларни тугаллаш муддати — 90 кун

Ишларни молиялаштириш: Буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

II. Буюртмачи: Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси; (Андижон шаҳри Бобуршоҳ кўчаси 26 уй. Тел: (998 74) 224-48-36, 224-02-49)

Жиноят ишлари бўйича Булоқбоши тумани суди биносини капитал таъмирлаш.

Обьектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 278 374 520 сўм;

Обьектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 231 978 767 сўм;

Ишларни тугаллаш муддати — 90 кун

Ишларни молиялаштириш: Адлия ва суд органларини ривожлантириш фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Диққат! Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар кўйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга, банк қафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўрвнома билан савдо ташкилотчиси Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига кўйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Андижон ш. Чинобод кўча, 59-уй, тел.факс 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишни охириги муддати, оферталар очилиш кун ва соати, танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

III. Диққат!!! Ушбу рўзноманинг 2012 йил 14 сентябрь 108 (8033) сонидида 2-сонли Қурилайтган корхоналар бирлашган дирекцияси буюртмасига асосан Андижон вилояти Андижон туманидаги «Боги-Бобур» насос станциясини қуриш объекти бўйича танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган 2012 йил 10 январдаги 02/1-925 сонли Назорат-режага асосан эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан сўнг ўтказилади деб ўқилин.

Ушбу рўзноманинг 2012 йил 14 сентябрь 108 (8033) сонидида 2-сонли Қурилайтган корхоналар бирлашган дирекцияси буюртмасига асосан Андижон вилояти Андижон туманидаги «Боги-Бобур» насос станциясини қуриш объекти бўйича танлов савдолари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган 2012 йил 10 январдаги 02/1-925 сонли Назорат-режага асосан эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан сўнг ўтказилади деб ўқилин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадлари легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Тошкент вил. бошқармаси янги ахборот-таҳлил бўлими инспектори Шерзод Баходирович Муваффаров 05.03.2012 й.да берилган 1413-ДБ9-серияли ҳизмат тўғрисида йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

«SUCCESSFUL INVESTMENTS CONSULTING» МЧК (ИНН 207071155) ихтиёрий равишда тугатилади (камият таъсисчиси: 26.09.2012 й.даги қарорига асосан). Давлояр эълон чоп этилган кундан эътиборан 2 ой мобайнида Тошкент ш. Юнусов д. А.Темур шох кўч. 60-уй манзилда қабул қилинади. Ихтиёрий тугатиш ишларини янжалаш таҳминан 04.01.2013 й.гача.

Уятрнуну справку «Форма 18» № 1997 от 26.05.2011 г., выданную ГУП «Служба землеустройства и кадастра недвижимости» на ООО «NOVA PHARM» Алмазарского р-на г. Ташкента на здание, расположенное по адресу: г. Ташкент Алмазарский р-н ул. Нодира 92\*, считать недействительной.

Уятрнуну удостоверение № 1995, выданный 26.09.2011 г. городской Юстицией на имя Тураханова Бахрома Бакаевича, считать недействительным.

Тошкент ш. Миробод т. ТОРП томонидан (12.04.2012 й., реєстр 005775-03) давлат рўйхатидан ўзқилинган «SOLNECHNIYE LUCHI SVETA» МЧК (11.09.2012 й.даги таъсисчилар байномасига асосан) тугатилаётганини маълум қилади. Эътирозлар 1 ой давомда қабул қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТОРП томонидан (10.12.2009 й., реєстр № 003307-01) рўйхат олинган «PRETTY-BROK-SERVICE» МЧКнинг (ИНН 301398453) фирма номи «GULCHEXRA-BROK-SERVICE» МЧКга ўзгартирилди. Давло ва аризалар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомда 390-44-77 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Уятрнуну план квартири, расположенного по адресу: г. Ташкент Шайхантахурской р-н Гүлөбод д. «Б» хв-ра 16, выданный Шайхантахурском БТИ на имя Акримовой Зебо Тахировны, считать недействительным.

«KOSIMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ ВА УНИНГ ҲУДУДИЙ ФИМАЛААРИНИНГ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРАЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2011 ЙИЛ 25 МАЙДАГИ 147-СОНИМ ҚАРОРИ АСОСИДА ЕР УЧАСТКАЛАРИГА БЎЛГАН ДОИМИЙ ФЙДАЛАНИШ ҲУҚУҚЛАРИНИНГ 2012 ЙИЛ 28 АВГУСТДАН 18 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МУАДДАТДАГИ САВДОСИ НАТИЖАЛАРИ

Table with 5 columns: №, Ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқининг тасвифи, Ер участкасининг жойлашган жойи, Минимал қиймати (сўмда), Сотилиш қиймати (сўмда). Rows include locations like Хоразм вилояти, Сурхондарё вилояти, Навоий вилояти.

Уятрнуну учредительный договор ООО «GRANT AVANTAS» (ИНН 300911614) от 09.10.2008 г. (реєстр № 004073-08), выданный отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

ООО «JUNG GLOBAL» (ИНН 301664686), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яхасарайского р-на г. Ташкента (реєстр № 005479-11 от 22.07.2010 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Мирзобадский р-н Истиклол 34, ликвидировано (Решение № 1 от 26.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўмас мулк кадастр қизмати» ДУК томонидан жимсоний шахс Таджиева Гулнора Алламуратовна номига Тошкент ш. Яхасарой т. Бобур кўч. 13-уй 2-хондан манзили учун берилган 5-315/2003 реєстр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Уятрнуну лицензионную карточку АТ № 1074003, выданную Агентством автомобильного и речного транспорта на ООО «OHANGARON-NERUD» от 09.04.2012 г. на автотранспорт HONGYANQ3253 гос. номер 10 983 JAA, считать недействительной.

Уятрнуну кадастровые документы нежилого помещения, расположенного по адресу: г. Ташкент Шайхантахурской р-н ул. Фаробий д. 10, выданные (реєстр № 10-442/2005, 11.10.2005 г.) Управлением земельных ресурсов и гос. кадастра г. Ташкента на имя Машрапожджаева Жамолдинходжа Рахматходжаевича, считать недействительными.

Тошкент ш. Чилонзор т. БТИСИ томонидан Тошкент ш. Чилонзор 2 хв-л 1-уй 22-хондан учун Багиров Али Мамедович номига расмиёлаштирилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Уятрнуну учредительный договор ООО «GRANT AVANTAS» (ИНН 300911614) от 09.10.2008 г. (реєстр № 004073-08), выданный отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, считать недействительным.

Қашқадарё вилояти

# БАНК МИЖОЗНИ, МИЖОЗ ТАРАҚҚИЁТНИ ЎЙЛАЙДИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ҚАШҚАДАРЁ МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИДА МИЖОЗЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ, УЛАРНИНГ ҲАР БИР МУРОЖААТЛАРИНИ ОБДОН ЎРГАНИБ, ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИШ БОРАСИДА МУАЙЯН ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Ушбу молия муассасаси зиммасига қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш ва аҳолининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишида узок муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этишдек юксак вазифа юклатилган. Бунинг ижросини таъминлаш, биринчи навбатда, банк билан миждоз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

— Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 14 январдаги «2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида»ги Қарорига асосан кенг қўламли ишларни амалга оширяпмиз, — дейди «Қишлоқ қурилиш банк» Қашқадарё минтақавий филиали кредит бўлими бошлиғи Улуғбек Махматбердиев. — Жорий йилда вилоятимизда 870 та намунавий уй-жойлар қурилиши режалаштирилган.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таъминийларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари тадбиркорлик ва ишбилармонликни ривожлантиришда муҳим омил бўляпти. Унга кўра, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари банк ҳисоб варақаларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўладилар.

Мақсуд Фармон ижросини таъминлаш мақсадида филиалда 418 та «SMS-Banking», 25 та миждозга масофадан туриб хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш, банкнинг ўз кредит сисъати ва амалдаги бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишларни ташкил қилиб, банк томонидан кичик бизнес субъектларига 17836,5 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

— Тадбиркор аёлларни ҳам молиявий томондан қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларимиз алоҳида эътиборга лойиқ, — дейди Улуғбек Махматбердиев. — Бу бўйича минтақавий филиалимиздан 420 миллион сўм, Кўкдала филиалидан 110,5 миллион сўм, Яқобжоб филиалидан 705 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Давлатимиз раҳбарининг



Хашмиқ Норқобилов (ўса) олган сурат.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳамда «Қишлоқ қурилиш банк» сармоялари эвазига қишлоқ жойларда қурилайётган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун хизмат қилаётир.

2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш учун 2505,5 миллион сўм, шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан 204 миллион сўм кредит ажратилишига эришилди. Тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 3187 миллион сўм, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун (ипотека истеъмоли ва микрокредитлар) жами 2888,1 миллион сўм, касб-хўна қоллежлари битирувчилари учун 127,6 миллион сўм кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, минтақавий филиалимизда хорижий кредит линиялари билан ишлаш ҳам яқши йўлга қўйилган. Жумладан, Халқаро тараққиёт Ассоциациясининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси. Фаза 2» кредит линияси ҳисобидан ХТА-2 фазасидан «Гўзал» савдо сервис МЧЖ томонидан «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ювиш ва қадоқлаш автомат-технологик линияси»га ҳам 400 тонна мева ва सबзаотларни сақлашга мўлжалланган совитиш қурилмаларини сотиб олиш учун

201375 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи ажратилиб, асбоб-ускуналар келтирилди. Бу билан 12 нафар янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, минтақавий филиалининг бевосита кўмағи билан «Эко-консерва Барака» агрофирмаси, «Мақсуд Ҳамкор Барака» МЧЖлар паррандачиликни ривожлантириш учун 165245 АҚШ доллари миқдорида кредит маблағи билан таъминланди. Ҳозирги кунда ускуналарни ўрнатиш жараёни давом этапти. Бу ҳам ҳар икки жамоада саккиз нафардан ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга тортиш имконини беради.

«Чилонзор парранда маҳсулот» корхонаси томонидан паррандачиликни ривожлантириш учун комплексни реконструкция қилиш ҳамда айланма маблағларни тўлдириш учун банк томондан 99800 миң сўм сармоа йўналтирилди. Натигада 15 нафар киши иш билан таъминланди. Бундан ташқари, «UZGERSON» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасига 3315000 миң сўмлик атир совун ишлаб чиқариш ускуналари ва хомашёсини олиш учун кредит маблағи ҳал этилди. Бу билан ушбу корхона аҳолига йилга 124000 дона сифатли атир совун етказиб бериш қувватига эга бўлди. Ўз навбатида, 58 та янги иш ўрни юзага келди.

Ушбу кенг қўламли ишлар иқтисодиётимизнинг рағнақ топишига хизмат қилиш билан бирга халқ фаровонлигини таъминлайди.

Хусан ТЕМИРОВ,  
«Qishloq hayoti» муҳбири.



(1 октябрь - 7 октябрь)

ҚҮЙ (21.03 - 20.04)



Ишингиздаги қийинчиликлар нималарга қодир эканлигингизни кўрсатиш имконини беради. Пул билан боғлиқ масалаларда эҳтиёткорроқ бўлганингиз маъқул. Уринсиз таваккал қила кўрманг.

БУЗОҚ (21.04 - 20.05)




Зиммангизга меъёридан ортиқ масъулият олгансиз. Кўнгилни бўлма, тезроқ ҳаракат қилсангиз, барчасининг уддасидан чиқасиз. Кўз кўрсоқ, қўл ботир мақоли бежизга айтилмаган.

ЭГИЗАКЛАР (21.05 - 21.06)



Шу кунларда дўстларингиз сафи янада ортади. Шахсий ҳаётингизда муваффақиятларга эришасиз ва атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатини ҳис этасиз. Бу сиз учун янги ишларга киришишда куч бағишлайди.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 - 22.07)



Бир қарашда фойдалидек туюладиган, аслини олганда бефойда учрашуларда иштирок этасиз. Фақат бу учрашуларда қимматли вақтингиз беҳуда кетганлигини кейинроқ биласиз.

АРСЛОН (23.07 - 23.08)



Кўтаринки қайфиятда ўтган дам олиш кунларидан кейин сизни машаққатли иш ҳафтаси кутаётир. Фаолиятингизга бир оз масъулият билан ёндашинг. Шунда барчанинг ишончини оқлайсиз.

ПАРИЗОД (24.08 - 23.09)



Келаётган ҳафтада янги-янги ижодий фойдалар билан банд бўлиб, зериқлиги ҳам фурсат топмайсиз. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан гап талашиб, жанжаллашиб қолишдан эҳтиёт бўлинг.

ТАРОЗИ (24.09 - 23.10)



Кутилмаган таклиф ва сармоа олдида иккиталиб қолманг. Илоҳи борица имкониятларингизни ишга солиб, қўлингиздаги омад жиловини сақлаб қолинг. Бунда яқинларингиз кўмағи қўл келади.

ЧАЁН (24.10 - 22.11)




Оқим бўйлаб сузишни бас қилинг. Балки кўзлаган манзилингизга кенг қўлоқ ёйиб сузинг. Уша манзилда муносиб муқофотланасиз ва кўнгилига, кутилмаган воқеаларнинг гувоҳи бўласиз.

ЎҚОТАР (23.11 - 21.12)



Сизни ажабтовур янгилик кутмоқда. Хурсандчиликдан ўзингизни йўқотиб қўйманг. Ўзинга хос катъият, собит ирода кўрсатиб, атрофдаги воқеаларга мослашинг, барчада илқ таассурот қолдирасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 - 20.01)



Яқинларингизни асраб-авайлашларидан талтайиб кетманг. Сизни эъзолаётган инсонлар қадрини ўзингиздан-да баланд тутинг. Тантқ, димдоғдор бўлиш ярамайди. Инсон суйган жойда азиз.

ҚОВБА (21.01 - 20.02)



Ҳамкорингиз сабаб келиб чиққан муаммоларни ҳал этишга жуда кўп кўч сарфлашга тўғри келади. Ута ишонувчанлик ва ўринсиз шубҳалардан сақланг. Атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатини руҳингизни кўтарди.

БАЛИҚ (21.02 - 20.03)



Сармоянгизни даромад келтирадиган ишларга тикчангиз маъқул. Бунда бир оз эҳтиёткорроқ бўлинг ва берган ваъдангизни устидан чиқишга ҳаракат қилинг. Дам олиш кунлари хордиқ чикаринг.

Бош муҳаррир:  
Чори ЛАТИПОВ

МУАССАСАЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
Агротехна комплекс  
тарихидоғи ҳамда шу  
тарихда довлдор  
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек ҲАҚОВ,  
Фарид ОМИНОВ, Эрзон КУДРАТОВ, Муса  
АНОРБЕКОВ, Абдураҳоб ТАМБИКОВ, Махмуд  
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир  
ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ,  
Омонулло ИҶУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат  
НАЗАРОВ, Шерзод ҚУЛОМОВ, Муҳиддин  
АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Қабулхона — 236-58-83, Котибнинг — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сыйсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДАДАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Намангон — (+99891) 537-14-36; Намангон ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондary — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-56; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва  
эълонлар:  
236-58-83,  
233-28-04.

Реклама ва  
эълонлар матни  
учун бурютмачи  
жавабгар



Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлиги  
томонидан 2009 йил 13  
февралда № 0020-рақам  
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи  
муҳаррир:  
Ҳ.МУМИНОВ  
Мусаоҳораси:  
А.ЭЛМУРОДОВ  
Дизайнер:  
М.БОСМУММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба,  
жума кунлари чикади.  
Бюротма Г-914,  
ҳақми 2 босма табоқ.

Офсет усулида  
босилди, қороз  
бичими А-3.

Манзилмики:  
100000, Тошкент,  
Матбуотчилар  
кўчаси, 32-уй

E-mail:  
info@qishloqhayoti.uz  
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00  
Босишга топширилди: 21.40  
15803 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг  
ўзида компьютерда  
терилди ва  
саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбуа акадорлик  
компанияси босмаҳонасида босилди.  
Манзил: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.